

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР – ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Абдулажонов Илѐс Ихтиѐр ўғли
“Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш методикаси”
“Тарих ўқитиш методикаси” йўналиши II-босқич магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада ёшларда юксак маънавийфахлоқий сифатларни қарор топтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақидаги муаллифнинг фикрмулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Ватан, Ёшлар, Президент, демократия, ислохот, PIZA, TIMES, Ҳаракатлар стратегияси, интеллект, инновация, илм-фан, “Баркамол авлод”.

Маълумки, “XXI аср юксак интеллектуал аср”, деб номланмоқда. Бу жамиятнинг деярли барча жабҳалари негизда рўёбга чиқмоқда. Бундай юксалишнинг ҳаракатлантирувчи кучини асосан интеллектуал ва инновацион ривожланган авлод ташкил этади. Бу борадаги юксалиш табиийки, таълим тизими зиммасига тушади. Бу таълим-тарбия жараёнида ҳам муҳим ислохотларни амалга оширишни талаб этади. Шу сабабли, ёшларни интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш, улардаги маънавий иммунитетни қарор топтириш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29-апрель №-ПФ-5712 “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисида Фармони мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳамда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам интеллектуал авлодни шакллантириш ва уларнинг кўллаб-қувватлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар қайд этилган ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этиш, бўйича Давлат дастурлари қабул қилинган

Шу билан бирга, иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизимини яратиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун бундай ёшларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, илғор хорижий тажрибалар талаблари асосида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни, шу жумладан электрон шаклда нашр этиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини профессионал ва юқори даражада муносиб ифода эта оладиган, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги

таъкидланди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъдодларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизимини яратиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил қилишда алоҳида агентлик ташкил қилинганлиги инновацион ёндашувлар назари остида интеллектуал ва шаффоф касб эгалари қилиб етиштириш мақсадида таълимнинг тарбияланганлик даражасидаги масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар бир ёшнинг сиёсий онгини ошириш, ижтимоий фаоллигини таъминлаш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига эришиш, маънавий етук интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни шакллантириш таълим-тарбия соҳасининг энг муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович ўз нутқларида таъкидлаганларидек, “... ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир”.¹

Дарҳақиқат, ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман, илм-фан ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали мунахассислар бўлиб етишишига замин ярата олмаймиз.

Жамиятимизда демократик тамойилларга асосланган бошқарувни ташкил этиш, айниқса эндигина шаклланиб, ўниб-ўсиб келаётган ёшларни миллий урф-одатларимизга, анъана ва тарихий меросимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, умумбашарий инсонпарварлик ақидаларига хос инсоний фазилатларни шакллантириш жамиятнинг бугунги кунги ҳаётида бош ва энг долзарб масалага айланмоқда.

Мамлакатда бундай талабларни амалга ошириш учун ақлли, тафаккури кенг келажак авлодлари керак бўлади. Улар истеъдодли ёшларнинг салоҳияти, интилишлари ва ақл-идрокига боғлиқдир. Ёшларни баркамол шахс сифатида етиштириш ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этувчи энг долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар – инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини оширишга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам ҳар томонлама ривожланган, замонавий билимларга эга баркамол инсонни

¹“Миллий армиямиз – тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати”, Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 14 январ, № 10 (6704). 2-бет.

тарбиялашдан иборатдир.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ислоҳат-бу ўзгариш, янгиланиш дегани”дир.Шуни инобатга олган ҳолда янгиланиш, ўзгариш қайерда кузатилади бевосита ўқув жараёнида кузатилади.Таълим тизимидаги барча стратегик мақсадлар белгиланганлиги ва унда учта тамоилга асосланиб фаолият олиб борилади.Булар таълим тизимида шаффофлик, таълим тизимида адолат, таълим тизимида сифат.

Жаҳон тажрибаларини амалиётда ҳозирги айна вақтда ёшларнинг билим олишида кўришимиз “PIZA, TIMES” халқаро дастурлар асосида таълимдаги туб ислоҳатларни жорий этилиши билан биргаликда интеллектуал ёшларни танлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида “MASTER CLASS,онлайн ва вебинар” дарслари ташкил қилинмоқда.

Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарсинг сифати белгилайди.

Республикада мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг таълим мазмуни муайян илмий асосларга таянган ҳолда танланади. Шунга кўра, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш муҳимдир. Барча мутахассисликлар бўйича янги ўқув режалари, давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, ўқиладиган маърузалар илмий-назарий жиҳатдан янгиланди. Фундаментал билимларни ўргатишга бўлган эътибор кучайтирилди.

Ҳозирда педагог таълим тизимида ёшларни педагогик малака ва кўникмаларини ошириш билан чегараланмай, уларга зарурий илм-фан ва техника-технологияларнинг энг сўнги ютуқларига асосланган кўшимча билимларни ўзлаштиришлари учун имконият яратиб беришлари лозим. Билиш фаолиятини ўзлаштириш тўла маънода тафаккурнинг ривожланганлигини ифодаламайди. У илмий дунёқарашнинг пойдеворидагина шакллантиради. Шу сабабли, интеллектуал ёшларнинг билиш кўникмаларини ўзаро алоқадорликда таркиб топтириш, олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, умумлаштиришга ўргатиш лозимдир. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятли ва мафкуравий эътиқодини шакллантиришда илмий ва маънавий қадриятлар, буюк мутафаккирлар илмий мероси, фалсафий қарашларининг муҳим жиҳатларини, бугунги кун замонавий илм-фан ва техника тараққиётида эришилаётган ютуқларни ўзлаштиришга йўналтириш, шунингдек, мамлакатда ёшлар интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси, “Зулфия” ва “Ниҳол” мукофотлари, фан олимпиадалари, танловлар, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларига эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллаларда яшаётган ҳамда корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти фаолиятида иштирок этишлари уларнинг турмуш тарзини ўзгартириб юборади. Турли тадбирларда қатнашиш, ўз имкониятларини намоён қилиш, маърузалар тинглаш, мулоқотлар ва турли хил суҳбатларда иштирок этиш муайян билимларнинг кенгайишига, мустақил фикр юритишга мустаҳкам замин яратади. Фан асосларини мукамал ўзлаштирган ҳолда эгалланган билимларга ақлий жиҳатдан ёндашиб ўзининг мустақил фикрини билдира олиш кўникмасини қарор топтириш муҳимдир. Бу жараёнда олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар иштирок этиб, талабаларни “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти орқали амалга оширилади. Педагоглар ёшлар билан ишлаш давомида талабаларга ўз фаолиятларини мустақил бошқариш ва билимларни ўзлаштириш имкониятларини ўргатиб боришлари лозим. Амалий ва аудиториядан ташқари машғулотлар, суҳбатларда ёшларни мустақил ишлаш, фикр юритиш, мулоҳаза қилишга ўргатиш талаб этилади. Бу борада “Интеллектуал авлод-Ватан тараққиёти таянчи”, “Интеллектуал асрнинг фаол иштирокчиси” каби тадбирларни уюштириш ижобий педагогик самараларни беради.

Бугунги кунда муаммоли маърузалар ўқиш асосида машғулотларни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Маърузанинг бу шакли, ёшларнинг билимга бўлган иштиёқларини ошириш, мустақил равишда қўйилган саволларга ижодий ёндашиш, қийин масалалар ечимини мақсадга мувофиқ топиш, мантиқий фикрлаш илмий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутаяди.

биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланишга;

иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “Ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолмаслигига;

учинчидан, фан-техника тараққиётининг жадал ривожланаётганлиги натижада ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлигига;

тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора

фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлигига;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа замонавий ёндашув тамойилларидан фойдаланишга имкон беради.

Ёшларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини машғулотдан-машғулотга ривожлантириб бориш, мантиқий фикр юритишга одатлантириш муаммоларни ечишда мавжуд малакаларига суянишга ўргатиш, эгалланган мавжуд ва янги ҳосил бўлган билимларини уйғунлаштира олиш кўникмасини таркиб топтириш, таълимнинг турли метод ва усулларидан фойдаланишга имкон яратиш кабилар.

Фан асосларини ўқитиш тажрибасидан аёнки, аниқ далиллар, назарий масалаларни мисоллар билан тушунтириш, таълимнинг турли воситаларидан фойдаланиш ёшларнинг нафақат берилган билимларни чуқур ўзлаштиришлари, балки дунёқарашларини ҳам шакллантиришга олиб келади. Бундан ташқари маъруза ва амалий машғулотлар нафақат сезиш, идрок этиш, англаш ва таъсир этишга йўналтирилади, шу билан бирга педагогнинг шахсий тажриба билан маърузани бойитиш имконияти ҳам яратилади.

Бундан шу нарса маълум бўлдики, ёшлар ҳаракати фаолиятида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида улар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, аввало талабаларнинг воқеа ва ҳодисаларга қизиқишларидан тортиб, гуруҳдаги фаолиятлари, ўқув ва жамоат ишларидаги иштироки, ҳаттоки ётоқхонадаги қоидаларга амал қилишларигача бўлган зарур ҳаётий вазифалар аниқ белгилаб олинади. Ёшлар учун умумий ўрта таълим, академик лицей ва олий ўқув юртларида барча турдаги муносабат ва мулоқотларни шундай ташкил этиш зарурки, улар ўқув муассасасини тамомлагач бу кўникма ва малакалардан барча соҳаларда фойдалана олсин.

Бу даврнинг муҳим хусусияти уларда ижтимоий-ғоявий муносабатларнинг етилиши ва жадал камол топиб бориши билан ажралиб туради. Бу ҳолат ёшларда ўз-ўзини бошқариш, масъулият, иймон-этиқод ва соғлом дунёқарашнинг шаклланишига бўлган интилишларида намоён бўлади.

Ёшлар жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий муносабатлар қонуниятларини билиш, бу жараёнлар мазмунини таҳлил қилиш ва воқеликда бевосита иштирок этишга интиладилар. Ўз ғоявий қарашларини пухта ва мукамал ифодалаш, ҳимоя қила олиш ҳамда далиллаш каби хусусиятларни ўзларида тўлиқ таркиб топтирадилар. Бунга мисол

Ёшларда шахсий фаолиятни ташкил этишда мустақилликка интилиш ҳолати кузатилади, бу эса ижтимоий муносабатлар мазмунини ўзлаштиришда

фаоллик кўрсатишга йўналтиришни тақозо этади. Ёшларда ўз фаолиятларини мустақил ташкил этиш, ўзини-ўзи бошқариш, ғоявий қарашлар каби ҳаётий зарур масалаларни ўргатишда уларнинг ўзини-ўзи камолга етказишга интилишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлик даврининг ўзига хос бўлган муҳим хусусиятларидан яна бири, улар ўзлари учун идеал танлашга интилишларида намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда намуна бўла оладиган кишиларга интиладилар, ўз фазилатларини уларга таққослайдилар ва ўз устида кўпроқ ишлашга ҳаракат қиладилар. Бу хусусиятдан унумли фойдаланган ҳолда тарихий ва замонавий қаҳрамонлар ҳаёти, фаолияти ва интилишларига оид маълумотларни беришга қаратилган таълим жараёнини ташкил этиш зарур.

Ёшларга хос бўлган яна бир муҳим хусусият, ўртоқлик, дўстлик, улфатчилик ва муҳаббатдир². Бу ҳис-туйғулар асосида жамоа бўлиб бирлашиш, яъни ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатлар шаклланади. Бу ҳолат ёшлардаги мақсад сари интилиш, бирлашиш, нафақат ўзи учун балки бошқа инсонлар манфаатлари, орзу-умидлари учун курашиш асосида одамийлик, инсонпарварлик каби ҳис-туйғуларни шакллантиришга замин яратади.

Ёшлар онгининг шаклланишида жамоанинг ўрни катта. Ўз гуруҳи, маҳалласи, корхонаси, турли хил тадбирлар, байрам ва ижодий йиғинлар уларнинг эътиборини жалб қилади. Бу эса уларни жамоат ишларига жалб этади. Ёшлик инсон ҳаётидаги энг ёрқин, жўшқин ва ғоят масъулиятли давр ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда бўлаётган барча воқеа ва ҳодисалар ёшларни шу жамиятнинг фуқароси эканлигини ҳис этишга ундайди. Шу тарзда уларда ғоявий эътиқод таркиб топади, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ҳис-туйғулар мустаҳкамланади, миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига мувофиқ хулқий малака ва одатлар шаклланади. Ёшларнинг барча интилишлари маълум мақсадларга қаратилган бўлади. Уларнинг кўпчилиги Ватан, халқ, жамият, инсониятга хизмат қилишни ҳаётининг мақсади, деб билади³.

Ёшларнинг яна бир муҳим хусусияти ижтимоий фойдали меҳнатга интилишда намоён бўлади. Шу хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга асосланган фаолиятни йўлга қўйиш уларнинг меҳнатга бўлган меҳр-муҳаббатларини орттиради. Ўз меҳнатини қадрлаш, боқимандалик иллатидан қутулишга ёрдам беради. Меҳнат жараёнида ёшлар ўзларини тарбиялайдилар, ўз устидарида мустақил ишлайдилар, муайян сифат ва фазилатларни эгаллайдилар, иродаларини мустаҳкамлайдилар.

² Хусниддинов З. Ислом ва мазҳаблар. Воизга ёрдам: маъруза матни. –Т.: Маънавият, 2000. -147 б.

³ Уша асар -147 б.

Ёшларнинг жисмоний, маънавий ва идеал актуал ривожланишларида бир қадар умумийлик бўлсада, бироқ уларнинг хислат, характер, миждоз, иродавий сифат, қизиқишлари турлича бўлади.

Ёшларнинг воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатлари, орзу умидлари, дунёқарашлари ва эътиқодлари ҳам бир хил бўлмайди. Муайян бир ёш даврида қўлланиладиган таълим-тарбия методларини бошқа бир ёшдаги талабаларни тарбиялашда қўллаш кутилган самарани бермаслиги мумкин. Шунинг учун мафкуравий таълим-тарбия жараёнида ҳар бир ёшнинг характер хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳолат уларнинг қизиқиш ва қобилиятлари, ғоявий эътиқоди, заиф ва кучли томонларини баҳолашга имкон беришига қаратилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2015.

2. Хусниддинов З. Ислон ва мазҳаблар. Воизга ёрдам: маъруза матни. – Т.: Маънавият, 2000.

3. “Миллий армиямиз – тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати”, Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 14 январ, № 10 (6704).